

**СЎЗ САНЪАТИ  
ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ  
4 ЖИЛД, 1 СОН**

**МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ  
ИСКУССТВО СЛОВА  
ТОМ 4, НОМЕР 1**

**INTERNATIONAL JOURNAL  
OF WORD ART  
VOLUME 4, ISSUE 1**



**Бош муҳаррир:**

**Холбеков Муҳаммаджон**

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Бош муҳаррир ўринбосари:**

**Тўхтасинов Илҳом**

ф.ф.д., доцент (Ўзбекистон)

**Тахрир хайъати:**

**Назаров Бахтиёр**

академик. (Ўзбекистон)

**Якуб Умарўгли**

ф.ф.д., профессор (Туркия)

**Алмаз Улви Биннатова**

ф.ф.д., профессор (Озарбайжон)

**Бокиева Гуландом**

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Миннуллин Ким**

ф.ф.д., профессор (Татаристон)

**Махмудов Низомиддин**

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Керимов Исмаил**

ф.ф.д., профессор (Россия)

**Жўраев Маматкул**

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Куренов Рахыммамед**

к.ф.н. (Туркменистон)

**Кристофер Жеймс Форт**

Мичиган университети (АҚШ)

**Умархўжаев Мухтор**

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Мирзаев Ибодулло**

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Болтабоев Ҳамидулла**

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Дўстмухаммедов Хуршид**

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Лиходзиевский А.С.**

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Сиддикова Ирода**

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Шиукашвили Тамар**

ф.ф.д. (Грузия)

**Юсупов Ойбек**

масъул котиб, доцент (Ўзбекистон)

**Главный редактор:**

**Холбеков Муҳаммаджон**

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

**Заместитель главного редактора:**

**Тухтасинов Илҳом**

к.ф.н., доцент (Ўзбекистон)

**Редакционная коллегия:**

**Назаров Бахтиёр**

академик. (Ўзбекистон)

**Якуб Умар оглы**

д.ф.н., профессор (Туркия)

**Алмаз Улви Биннатова**

д.ф.н., профессор (Азербайджан)

**Бакиева Гуландом**

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

**Миннуллин Ким**

д.ф.н., профессор (Татарстан)

**Махмудов Низомиддин**

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

**Керимов Исмаил**

д.ф.н., профессор (Россия)

**Джураев Маматкул**

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

**Куренов Рахыммамед**

к.ф.н. (Туркменистон)

**Кристофер Джеймс Форт**

Университет Мичигана (США)

**Умархаджаев Мухтар**

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

**Мирзаев Ибодулло**

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

**Балтабоев Ҳамидулла**

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

**Дустмухаммедов Хуршид**

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

**Лиходзиевский А.С.**

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

**Сиддикова Ирода**

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

**Шиукашвили Тамар**

д.ф.н. (Грузия)

**Юсупов Ойбек**

отв. секретарь, доцент (Ўзбекистон)

**Editor in Chief:**

**Kholbekov Muhammadjan**

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

**Deputy Chief Editor**

**Tuhtasinov Ilhom**

Ph.D. Ass. Prof. (Uzbekistan)

**Editorial Board:**

**Bakhtiyor Nazarov**

academician. (Uzbekistan)

**Yakub Umarogli**

Doc. of philol. sci., prof. (Turkey)

**Almaz Ulvi Binnatova**

Doc. of philol. sci., prof. (Azerbaijan)

**Bakieva Gulandom**

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

**Minnulin Kim**

Doc. of philol. sci., prof. (Tatarstan)

**Mahmudov Nizomiddin**

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

**Kerimov Ismail**

Doc. of philol. sci., prof. (Russia)

**Juraev Mamatkul**

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

**Kurenov Rakhimmamed**

Ph.D. Ass. Prof. (Turkmenistan)

**Christopher James Fort**

University of Michigan (USA)

**Umarkhodjaev Mukhtar**

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

**Mirzaev Ibodulla**

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

**Boltaboev Hamidulla**

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

**Dustmuhammedov Khurshid**

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

**Lixodzievsky A.S.**

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

**Siddiqova Iroda**

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

**Shiukashvili Tamar**

Doc. of philol. sci. (Georgia)

**Yusupov Oybek**

Ass. prof. (Uzbekistan) - Senior Secretary

# МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

## Адабиётшунослик

### 1. Rahmonqulova Zarnigor

DISTOPIK EKZISTENSIALIZMNI INGLIZ YOZUVCHISI UILYAM GOLDINGNING "LORD OF THE FLIES" ROMANIDA AKS ETISHI.....6

### 2. Усманова Севара

ЧЎЛПОН ВА С.РИЧАРДСОН РОМАНЛАРИДА БАДИИЯТ МУАММОЛАРИ.....14

### 3. Yusupova Dildora

SHOIR SO‘Z AYTGANI KELAR DUNYOGA...(Shoira Halima Xudoyberdiyevaning hayot va ijod yo‘liga chizgilar).....21

### 4. Қўчқорова Садоқат

ФОЛЬКЛОРДА ЭРТАКНИНГ ЖАНР СИФАТИДАГИ ХУСУСИЯТИ.....28

### 5. Мажитова Сабоҳат, Ярашов Шариф

АМИР ХУСРАВ ДЕҲЛАВИЙ ВА АБДУРАҲМОН ЖОМИЙ ҒАЗАЛЛАРИДА «ДИЛ» (ЮРАК, ҚАЛБ) ТИМСОЛИНИНГ ЛЕКСИК-СЕМАНТИК МАЙДОНИ.....35

### 6. Джалилова Зарнигор

ИНГЛИЗ ШЕЪРИЯТИДА ИНСОН СИФАТЛАРИНИНГ ГУЛЛАР ТИМСОЛИДА ИФОДАЛАНИШИ.....42

## Лингводидактика

### 7. Khamzaev Sobir, Gilyazetdinov Eldar

THE PRINCIPLES OF SPEAKING SKILLS' FORMATION AMONG STUDENTS OF LINGUISTIC UNIVERSITIES.....48

## Тилшунослик

### 8. Boygucheva Lola

THE ROLE OF DISCOURSE ANALYSIS IN MODERN LINGUISTIC THEORY.....54

### 9. Кобилова Азиза

ШИФОБАХШ ЎСИМЛИКЛАР ЎРНИДА ИШЛАТИЛАДИГАН ПЕРИФРАЗЛАР ТАҲЛИЛИ (ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИ МИСОЛИДА).....59

### 10. Mamanazarova Gulhayo, Paluanova Halifa

ISSUES ON OIL AND GAS TERMINOLOGY IN LINGUISTICS.....65

### 11. Melikova Elnora, Abdullayeva Nargiza

PRIMARY AND SECONDARY PREDICATION.....71

### 12. Saidova Farida

O‘ZBEK TILI LEKSIK SINONIMLARINING LEKSIKOGRAFIK TALQINI.....77

### 13. Turniyazov Behzod

FAKTIVLIK ASOSIDAGI KAUZATSIYA.....83


<b>14. Гафуров Бахтиёр</b> АНАЛИЗ ЛИНГВОСТАТИСТИЧЕСКОЙ ХАРАКТЕРИСТИКИ АКЦЕНТНЫХ ФОНОВАРИАНТОВ ИМЕН СУЩЕСТВИТЕЛЬНЫХ РУССКОГО ЯЗЫКА.....	91
<b>15. Ибаев Анвар</b> КОМПАРАТИВ СИНТАКТИК ҚУРИЛМАЛАР ТИЛШУНОСЛИКНИНГ ЎРГАНИЛИШ ОБЪЕКТИ СИФАТИДА.....	97
<b>16. Исмаилов Тургун</b> ПРЕЗИДЕНТ ДИСКУРСИДА HOMELAND КОНЦЕПТИНИНГ МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР ОРҚАЛИ ТАСАВВУР ЭТИЛИШИ (FREEDOM, LIBERTY ҚАДРИЯТИ МИСОЛИДА).....	103
<b>17. Камолитдинова Вазира</b> ОКСЮМОРОН ВА УНИНГ УСЛУБИЙ - СЕМАНТИК ХУСУСИЯТЛАРИНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ.....	111
<b>18. Нигматова Лолахон</b> ЎЗБЕК ТИЛИ МАХСУС КОРПУСЛАРИ – ТИЛ ВА МАДАНИЯТ МУШТАРАКЛИГИНИ ЎРГАНИШ ВОСИТАСИ.....	116
<b>19. Сабирова Ёъзоза</b> ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ ИЗОҲЛИ ЛУҒАТЛАРИДА ЎЗЛАШМА ЮРИДИК ТЕРМИНЛАР ТАЛҚИНИ.....	121
<b>20. Сулаймонова Нигора</b> ЗАМАХШАРИЙ ГЎЗАЛ НУТҚ ВА САБР ОДОБИ ҲАҚИДА.....	130
<b>21. Тўева Зулфия, Юлдашева Дилором</b> БАЁН ВА УНИНГ ТУРЛАРИ ҲАҚИДА.....	137
<b>22. Xolova Muyassar</b> BOYSUN SHEVASI ONLAYN MA'LUMOTLAR BAZASI (QIDIRISH VA SARALASH IMKONIYATLARI ASOSIDA).....	146
<b>23. Abdullayeva Oqila Holmo'minovna</b> O'ZBEK TILI KORPUSINI YARATISH BOSQICHLARI VA MUAMMOLI JHATLARI....	153
<b>24. Abdunazarova Zarina Islomovna</b> THE FORMATION OF SPEECH COMPETENCE.....	146
<b>25. Nilufar Abduraxmonova</b> O'ZBEK TILI KORPUSINI YARATISHDA LINGVISTIK ANNOTATSIYALASH TAMOIILLARI.....	164
<b>26. Shamuradova Naima</b> O'ZBEK VA INGLIZ XALQ MAQOLLARINING QIYOSIY O'RGANILISHI HAQIDA (ASOSIY QISMLARINI QO'LLASH).....	171
<b>27. Яхёева Гулнора Бахтиёровна</b> ОСОБЕННОСТИ РАЗВИТИЯ ТВОРЧЕСКОЙ АКТИВНОСТИ СТУДЕНТОВ В ПРОЦЕССЕ ОБУЧЕНИЯ ИНОСТРАННОМУ ЯЗЫКУ.....	175

<b>28. Irgasheva Umida</b> INGLIZ TILI DARSLARIDA TALABALAR KASBIY NUTQ KOMPETENTSIYASINI TAKOMILLASHTIRISHDA STEAM TEXNOLOGIYALAR AHAMIYATI.....	179
<b>29. Jumaniyozova Nuriya Axmedovna</b> YURIDIK DISKURS LINGVISTIK TADQIQOT OBYEKTI SIFATIDA.....	184
<b>30. Khayitova Feruza Abdikhalikovna</b> THE PRACTICAL ANALYSIS OF TOPONYMS IN GREAT BRITAIN BASED ON THE STORY OF A. CONAN DOYLE "THE HOUND OF THE BASKERVILLES".....	188
<b>31. Z. Masodiqova, Sh. Xatamqulova</b> O'ZBEK VA NEMIS MAQOLLARINI QIYOSHLASH.....	193
<b>32. Teshaboyev Dilmurod Rahmadjonovich, Axmadjonova Mohinur Bahodirovna</b> SON SO'Z TURKUMINING BOSHLANG'ICH SINF DARSLIKLARIDA IFODALANGAN SHAKLLARINI AKT ORQALI TUSHUNTIRISH.....	193
<b>33. Maxmurova Mavjuda Halimovna</b> METAFORALAR NUTQ SHAKLI SIFATIDA.....	204
<b>34. Nazarov Rustam Irkinovich</b> THE IMPORTANCE OF PAIR WORK AND GROUP WORK ACTIVITIES IN TEACHING ENGLISH IN TECHNICAL UNIVERSITIES.....	210
<b>35. Saidbekova Raykhona Rustambekovna, Ruzmatova Dilnoza Ramatjonova</b> FAMILY PERSPECTIVES IN THE NOVEL "AND THE MOUNTAIN ENCHOED" BY KHALED HUSSEINI.....	217
<b>36. Алижон Раҳматович Қосимов, Хумора Муҳаммадиса қизи Иминова</b> ТИЛНИНГ БИОПСИХОСОЦИАЛ ОНТОЛОГИК МАҚОМИ МУАММОЛАРИ.....	222

# СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

**Мажитова Сабоҳат Жамиловна,**  
Самарқанд Давлат университети,  
Тожик тили ва адабиёти кафедраси доценти.  
**Ярашов Шариф Жумаевич,**  
Самарқанд Давлат университети,  
Филология факультети докторанти.

## АМИР ХУСРАВ ДЕХЛАВИЙ ВА АБДУРАҲМОН ЖОМИЙ ҒАЗАЛЛАРИДА «ДИЛ» (ЮРАК, ҚАЛБ) ТИМСОЛИНИНГ ЛЕКСИК-СЕМАНТИК МАЙДОНИ

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2021-1-5>

### АННОТАЦИЯ

“Дил” тимсоли форс классик адабиётида жуда кўп ишлатиладиган сўзлар сирасига кириб, бадиият мулкида ўта теран ва хилма-хил маъно ва мазмунлар билан намоён бўлади. Ушбу мақолада форс-тожик мумтоз адабиётининг йирик вакиллари Амир Хусрав Деҳлавий ва Абдурахмон Жомий ғазалларида «дил» (юрак, қалб) тимсолининг бадиий ва лексик талқини, ирфоний маънолар силсиласи, тарихий шаклланиши, тузилиши, луғавий изоҳи ҳамда семантик хусусиятларининг лингвопоетик талқини алоҳида масала сифатида қиёслаб тадқиқ этилган. Адабий матнлар таҳлили билан буюк адиларимизнинг бир тимсол асосидаги ранг баранг образлар яратиши ва семантик майдонни кашф этиши байтлар асосида кўрсатиб, юксак истеъдоди ёритилади. Ушбу ифода услуби дунёқараш, ахлоқий ва интеллектуал идрок, мантикий фикрлаш ва янги туйғу билан бевосита боғлиқдир. Шунинг учун шеърят асосида яратилган ҳар бир сўз ёки атама ижодкорнинг мақсадига қараб шоир томонидан танланган.

**Таянч сўзлар:** юрак, ғазал, рамз, образ, этимология, қиёсий таҳлил, адабий санъат, адабий тил, шеърин образ.

**Мажитова Сабоҳат Жамиловна,**  
Самарқандский государственный университет,  
Доцент кафедры таджикского языка и литературы  
**Ярашов Шариф Жумаевич,**  
Самарқандский государственный университет,  
Докторант филологического факультета.

## ЛЕКСИКО-СЕМАНТИЧЕСКОЕ ПОЛЕ СИМВОЛА «СЕРДЦЕ» В СТИХАХ АМИРА ХУСРАВА ДЕХЛАВИ И АБДУРАХМАНА ДЖАМИ

### АННОТАЦИЯ

Символ «сердце» - одно из наиболее широко употребляемых слов в персидской классической литературе, выражающееся в очень глубоком и разнообразном смысле и содержании в художественных особенностях. В статье сравниваются литературно-

лексическая интерпретация, этимологические значения, историческое образование, семантическая и лингвистико-поэтическая интерпретация символа «сердца» в газелях великих представителей персидско-таджикской классической литературы Амира Хусрава Дехлави и Абдурахмана Джами. Анализ литературных текстов свидетельствует о большом таланте наших великих писателей в создании красочных образов на основе одного образа и открытии семантического поля на основе байтов. Этот стиль выражения напрямую связан с мировоззрением, этическим и интеллектуальным восприятием, логическим мышлением и изысканным чувством. Поэтому каждое слово или термин, основанный на поэзии, выбранный поэтом в зависимости от цели создателя, отличается.

**Ключевые слова:** сердце, газель, символ, образ, этимология, поэтическая способность, значение описания, литературное искусство, литературный язык, поэтический образ.

---

**Majitova Sabohat Jamilovna,**  
Doctor of Philosophy in Philology (PhD),  
Samarkand State University.  
**Yarashov Sharif Jumaevich,**  
Samarkand State University,  
PhD student of the Faculty of Philology

## LEXICAL-SEMANTIC FIELD OF THE SYMBOL “HEART” IN THE POEMS OF AMIR KHUSRAV DEHLAVI AND ABDURAHMAN JAMI

### ANNOTATION

The symbol “heart” is one of the most widely used words in Persian classical literature and is expressed in a very deep and diverse sense and content in an artistic feature. This article compares the literary-lexical interpretation, etymological meanings, historical formation, semantic and linguistic-poetic interpretation of the symbol of the “heart” of Amir Khusrav Dehlavi and Abdurahman Jami, the great representatives of Persian-Tajik classical literature. The analysis of literary texts highlights the great talent of our great writers in the creation of colorful images based on a single image and the discovery of the semantic field on the basis of bytes. This style of expression is directly related to the worldview, ethical and intellectual perception, logical thinking and exquisite feeling. Therefore, every word or term based on poetry, chosen by the poet, depending on the purpose of the creator, is different.

**Key words:** heart, gazelle, symbol, an image, etymology, ability of poetry, meaning of description, similarity, literary art, literary language, poetical image.

---

**Кириш.** Форс-тожик адабиётининг етук ва сермахсул ижодкорлари Амир Хусрав Дехлавий ва Абдурахмон Жомийларнинг адабий мероси, улар яшаган даврнинг нигини хисобланади. Бу тимсолларнинг осорини жомеъ луғат (конкорданс) орқали тадқиқ этиш ўша даврда бадиий услуб, ўзига хослик, шоирлик маҳорати, маъноларни тўлалигича кашф қилиниши натижасида на фақат бу етук адибларнинг шеърляти, қолаверса шарқ мумтоз шеърлятнинг жозибасини, шоирнинг маҳоратини ва унинг теран юрак сирларини англашга имкон беради. Ушбу мақоланинг асосий мақсади Амир Хусрав Дехлавий ва Абдурахмон Жомийлар томонидан бир сўз атрофидаги ранг-баранглик, маъно теранлиги ва бадиий нозикликларни кўрсатишга интилишидир.

“Дил” истилоҳи форс классик адабиётида жуда кўп ишлатиладиган сўзлар сирасига кириб, бадиият мулкида ўта теран ва хилма-хил маъно билан намоён бўлади. Жумладан “дил” сўзи ғазал мулкининг султони Хожа Ҳофиз девонида 594 марта, “туркий назм”да тенгсиз бўлган Алишер Навоийнинг “Девони Фоний” форсий ғазалларида 726 марта [2,7] ва Абдурахмон Жомий девонларида 2133 марта баён қилинган.

“Фарҳанги забони тоҷикӣ” да “дил” сўзига шундай шарҳлар берилган: 1. Инсон ва ҳайвон кўкрагининг чап томонида жойлашган, қон айланадиган узв (халтача шаклида), қалб;

2. Ич, бирон нарсанинг ичи; 3. Ботин, хотир, жон, рух; 4. Фикр, андиша; 5. Майл, хошиш, хавас; 6. Дилбар, ёр, маҳбуба, дўст; 7. Довжураклик, шужоат ва журъат деган маъноларни англатади. Шу билан бирга бир неча ибора ва таркиблар ҳам шарҳланган.[5,370]

Айтиб ўтиш керакки, “Фарҳанги осори Чомӣ” да ҳам “дил” сўзига худди юқоридагидек шарҳларни кўрамаиз.

Форс тилининг мўътабар изоҳли луғатларидан бири Муҳаммад Муъиннинг луғатида эса “дил” сўзининг 12 та маъноси қуйидаги тартибда берилган:

دل - عضو داخلى بدن بشكل صنوبرى كه ضرباتها ييش موجب دوران خون ميگردد, قلب □ ۲ - شك □  
 ۳- خاطر, ضمير □ ۴ - جان, روان □ ۵ - مغز سر □ ۶ - مغز درخت و مانند آن □ ۷ - میان, وسط, درون, داخل, دل  
 درخت □ ۸ - مرکز □ ۹ - جرأت, شهامت □ ۱۰ - لطیفه ربانی و روحانی و آن حقیقت انسان است و مدرک و عالم عارف  
 و عاشق است □ ۱۱ - محل تفصیل معانی؛ نفس ناطقه □ ۱۲ - مخزن اسرار حق, قلب.[12,1386]

Дил – 1. уриб туриши томирларда қон айланишига сабаб бўладиган ички орган; 2. қорин; 3. хотир, замир; 4. жон, рух, равон; 5. мия; 6. дарахт ичи ва шунга ўхшаш нарса; 7. нарсанинг ўртаси, ичи, мағзи, ботин, дарахтнинг ўзаги; 8. марказ; 9. журъат, шаҳомат; 10. раббоний ва руҳоний латофат ҳамда инсон ҳақиқатидир ва мударрис ва олим ва ошиқдир; 11. мазмуни муфассал баён қилиш жойи, нафси нотиқа. 12. Ҳақ асрорининг маҳзани, қалб.

Юқорида келтирилган талқинлардан фақат биринчиси дилнинг тўғри маъноси бўлиб, қолган 11 маъноси мажозийдир. Бу мажозий маънолари умум тил системасига кирган бўлиб мазкур шоирлар асарларида умум тил тизимига кирмаган яна қанчадан қанча мажозий маънолари топилади. Бу мажозии маъноларнинг кўпчилиги шоирлар топилмалари бўлиб, мазкур шоирлар тилининг индивидуал услубини ташкил қилади.

Форс-тожик луғатлари ҳамда ўзбек киласик тилининг лексик манбаларида «дил» сўзи семантик сўз сифатида келтирилган. Таъкидлаш жоизки ушбу луғатларда зикр этилган сўзнинг фақатгина луғавий изоҳи келтирилган, аммо унинг тарихий шаклланиши ва тузилиши ҳамда этимологияси хусусида маълумот келтирилмаган. Фақатгина тожик тилшунос олими Р.Жўраев фонетика тарихи ривожланишига бағшланган илмий қарашларида «дил» сўзининг тарихий келиб чиқишини ҳиндевропа тилларига тааллуқлигини таъкидлаб ўтган. Бошқа бир тилшунос А.Бухоризода ҳам Р.Жўраевнинг фикрларини қўллаб қуватлаб қуйдагича фикр баён этади:

«Бугунги «дил» сўзи Авесто китобида zareda шаклида талаффуз қилинарди. Ушбу сўзнинг кейинги ўзгарган шакллари қуйдагича: Авестодаги “з” ундоши “д” ундошига “рд” гуруҳи ундоши “л” ундошига айланиб zareda сўзи ҳозирги “дил” сўзи шаклида соддалашган». [1,32] Шу боис “дил” сўзи келиб чиқиш жиҳатидан ҳиндевропа тилларига тааллуқли бўлиб, фонетик ўзгаришлар боис ҳозирги шаклга келган деган хулосани олға суриш мумкин. Кейинчалик тожик тилида семантик сўз сифатида ўз мавқеига эга бўлди.” Айтиб ўтиш лозимки “дил” сўзи ҳозирги форс адабий тилида «деел» кўринишида фойдаланилади. Юқорида таъкидлаганимиздек, мазкур сўзнинг кўп маъноли ва умумистеъмоллик хусусияти “Тожик тили луғати” (Фарҳанги забони тоҷикӣ)да батафсил келтирилган, аммо “Ғиёс-ул-луғот”-да унинг луғавий шарҳи умуман учрамайди.

“Дил” сўзи форс-тожик тилларида қадимги замонлардан ҳозирга қадар воқеий ва ирфоний ишқнинг турли мазмун ва моҳиятини ўзига акс еттирувчи восита саналади. Шу боис ишқ учун энг азиз, мўътабар, табаррук, пок ва муқаддас маскани ҳисобланади. Шу билан бирга ҳис ҳаяжон, орзу умидлар, хижрону армон, дарду азоб ва ранжу машаққатлар макони ҳамдир. Ҳозирги тожик адабий тили ва диолектологиясида “дил” сўзи “қалб” ва “замир” сўзлари билан синоним бўлиб, уларга нисбатан кўпмаъноли ва семантик сўз ҳисобланади.

Ўз мушоҳидаларимизга таяниб айтишимиз мумкинки “дил” сўзи Амир Хусрав Деҳлавий ва Абдурахмон Жомий ғазалларида ўзининг асл ва лексик маъноларидан кўра турли хил сўз бирикмалари ёрдамида рамзий ва мажозий ҳамда ирфоний-тасаввуфий маъноларда кўб бора ишлатилган. Бизнинг фикримизча айнан мана шу хусусият «дил» сўзининг бадиий тимсол даражасига кўтарилишига ва тасаввуфий-ирфоний ҳамда мажозий характер касб этишига асосий омил ҳисобланади.

Хусрав Дехлавий ва Абдурахмон Жомий ғазалларида «дил» сўзи инсоний ва ирфоний ишқ-муҳаббатнинг асл мазмун ва моҳиятини ифода этувчи восита саналади. Мазкур истилоҳ муҳаббат маъноси, ҳис ҳаяжон, манбаи, орзу-умидлар ҳамда ҳижрону армон ҳисларини талкин этувчидир. Бошқа бир тарафдан «дил» сўзи ошиқ шахсиятининг шавқ ва ҳавас, беқарор иштиёқи, умидворлик ва умидсизлик, ҳажру фиروق азоб укубатлар, руҳияти ҳамда ҳолати, самимият ва қаҳр-ғазаби маъносини билдиради.

Хусрав Дехлавий ва Абдурахмон Жомий ижодида “дил” сўзи кўп ишлатиладиган сўзлар сирасига киради ва турли мақсадларда фойдаланилган. Ҳатто “Тожик тили луғати” китоби ва баъзи луғатномаларда уларнинг ижодидан мисоллар келтирилган.

Фикримизча, Амир Хусрав ва Абдурахмон Жомийнинг ижодида ушбу сўзга оддий муқаррарий сўз ёки ибора сифатида қараш хатодир. Зеро улар назмида мазкур истилоҳ бадиий тимсол ва мураккаб тушунча сифатида турли маъноларни ўзида мужассамлаштирган. Мазкур шоирлар ижодида “дил” сўзи инсон аъзоси, ҳиссий муносабат, ошиқнинг ички кечинмалари манбаи, севиш ва севилиш рамзи, руҳ, истак, ҳавас, шахс, ёр, маҳбуба, дўст, сирдош ва шижоат, розу асрор хазинаси маъноларида ишлатилган. Шунингдек, инсоннинг ижтимоий муносабат ва мақсадлари, шоирнинг умуминсоний ғоялари ва лексик маънолар ифодаловчиси сифатида ҳам ишлатилган. Қуйида Амир Хусрав Дехлавий ва Абдурахмон Жомий ижодида “дил” сўзининг бадиий образ сифатида лексик, мажозий ва ирфоний маъноларни ўзига акс этган байтларнинг таҳлилини келтирамиз. Амир Хусрав Дехлавий куйдагича келтиради:

Чй тоб аз ранчи раҳ он нозаниро,  
Ки роҳаш дар дилу дидаст, чо ҳам. [6,350]  
(Не ғам йўл бимидин ул нозанини,  
Йўли қалбимдаву кўздадир, жой ҳам)

Байтда “дил” сўзи лексик жиҳатдан бошпана ва муқаддас маскан сифатида ишлатилган, аммо мазкур сўзнинг бу хусусиятга эга эканлиги ҳеж бир изоҳли луғатда келтирилмаган. Демак, бу тимсол кўнгил тимсоли, дил тимсоли. Унинг маъновий белгиси “тоб” (қўрқув ва ваҳм) “жо” сўзлари ҳисобланади. Мушоҳадалар асосида шу холосага келинди ким, фақатгина Амир Хусрав ижодида бу хусусиятни мушоҳида қилиш, шоир ғазалиётининг оммавий хусусиятга эга эканлигидан дарак беради. Зеро халқ назарида “дил”(қалб) ва “дида” (кўз) сўзлари маъно жиҳатдан бир-бирига яқин ишлатилган, биргаликда “азизлик, эъзоз макони ва манзили ҳамда гўзаллик” рамзлари ҳисобланади, шунингдек маъшуқа учун бу манзил энг яхши ва бехатар маъво эканлигини англатади. Яъни ошиқ ўз юрагини, кўнгил дархоналарининг маҳбубаси, ёри учун энг қулай ва муносиб жой деб билади.

“Дил” сўзининг тасаввуфий маъноси тариқат вакилининг ишқ дардига мубтало бўлиши, ишқ водийсига кириб қолганлигидир. Шунингдек ишқ манзилларида дил-кўнгилдек маъшуканинг маъноси бор экан, ҳақ учун ишқдан қўрқиш, солиқнинг ишқдан тониши учун ҳеч қандай тўсиқ ва ҳадик йўқлиги ҳақида гапирилмоқда. Ошиқнинг илоҳий муҳаббатига гирифтор бўлганини англатати. Масаланинг бошқа жиҳати шунда, ким ишқ илоҳий неъмат сифатида солиқ ва тариқат вакиллари қалбига солинган дарддир ва ундан қутилиш имкони йўқ. Демак, “дил” бу байтда ишқ водийсидаги бехатар манзил, ишқ маъноси, бошпана маъноларида қўлланилган. Шунинг учун ҳам маъшук бунчалик такаббур, бунчалик қўрқмас ва мағрурдир.

“Дил” тимсоли ишқнинг муқаддас ва пок паногоҳи ҳамда муҳаббат сир асрорининг пинҳона маскани маъносини ифодаланиши Абдурахмон Жомий ғазалларида ҳам яққол кўрсатилган:

Гирифт он ки чу чон дар даруни дил чо дошт,  
Ба сони мардумак андар саводи дида висок. [X.224/10]  
(Юрагимда жон каби яширин нарсамни олди  
Кўзим гавҳарини кўз қароғидин)

Мазкур байтда “дил”нинг маъноси яширин ўхшатишнинг мураккаб типи орқали келган. Яъни “жон”-гавҳар, кўз қорачиғи бу ерда хуфёна сир ва ноёб асрор бўлиб, “дил” пинҳона жой, махзани асрордир.

“Дил” сўзи Амир Хусрав Деҳлавийнинг куйдаги байтида бошқача маъно касб этади:

Хусрав асту сўзи дил в-аз завқи олам беҳабар,  
Мурғи оташхора кай лаззат шиносид доноро. [6,7]  
(Хусраву дил куйгуси, бу олам завқидин беҳабар,  
Ул оташхор қуш қачон билгай дон лаззатин)

Бу байтда ҳам «дил» сўзининг лексик маъноси инсон аъзоси ва унинг муқаррар ва воқеий қалби ҳисобланади. Ҳамда дарду ҳасратлар макони сифатида ҳаётнинг гўзал, бетакрор, кулфатсиз ва ғанимат дамларидан бебаҳра юрак тимсолидир. Унинг маъновий белгиси «олов» (оташ) сўзи ҳисобланади. Зеро бу олов ишқ тўсиқлари ва муаммолари ўчоғида ёнаётган қалбнинг тафти бўлиб, дилни яшаш илинжидаги орзу истакларидан бенасиб ва бебаҳра этишга муяссар бўлган. Бу манзара лирик қаҳрамоннинг ҳақиқий қалби бўлиб, у умрининг осуда дамларидан юз угириб, ишқнинг машаққатли ва азобларини ихтиёр этган, заҳматкаш юрак тимсолидир. Бошқа жиҳадан «Хусрав» ва «дил» истилоҳлари ҳамда «мурғи оташхора» (оташхор қуш) бирикмалари маъновий жиҳатдан ўзаро таносубга эгадир ва шоир шахсиятига ва унинг қисматига ҳам ишорадир. Хусусан «мурғи оташхора» (оташхор қуш) бирикмаси шоир ва унинг шахсиятига ҳамда қалбига ишорадир.

«Дил» сўзининг мажозий маъноси бу ҳаётнинг осуда дамларидан бенасиб бўлиб фақат унинг дарду кулфатлари, машаққату азоблари, армону ҳасратлари ҳамда тўсику муаммолари гирдобиди бир умрга маҳкум бўлишдир. Бошқа жиҳатдан замоннинг раҳмсиз адолати ва тақдирнинг шавқатсиз зарбалари олдида лол қолган ғамгин юрак тимсоли ҳисобланади.

Ирфоний-тасаввуфий талқинда «дил» сўзининг бадиий образи бу муқаррар ҳаётнинг барча неъматлари ва лаззатларига бепарво ва эътиборсиз бўлиб, улардан умид узишдир. Яъне бу тариқат йўлидаги риёзатманд ва таркидунё ихтиёр этган солиқнинг тимсоллидир. У моддий ҳаётдан буткул кўнгил узган, чунки унинг назарида бу ҳаёт вақтинчалик бўлиб, абадий ва ҳақиқий ҳисобланмайди. Бу ҳолат тасаввуфда “вараъ” истилоҳи билан ифодаланади.

Абдураҳмон Жомий ижодида ҳам “дил” сўзининг худди шу маънода ишлатилиши назарга тушади:

Сўхт Қомиро дилу раҳме накард он масти ноз,  
Мастро, охир, чӣ бок аст аз кабобе сўхтан! [Ф.301/8]  
(Жомий юраги куйди, аммо у танноз раҳм қилмади,  
Таннозни нима иши бор кабобнинг куйишидан.)

Байтда “дил” маъноси ташбеҳи музмар(яширин ўхшатиш) воситасида ифодаланган. Шоир “дили сўхта – куйган юрак”ни “кабоби сўхта – куйган кабоб” – гўштдан тайёрлайдиган ва оловда-чўғда пишириладиган таомга ўхшатган. Ва шу восита билан ошиқнинг дардини, ботиний ҳиссиётнинг қанчалик оғирлигини кўрсатган. Кейинги байт:

Гуфтаи рангини Қомӣ бину доғи дил дар ў,  
Лолаои чида аз сарои роз аст ин ҳама. [Ф.411/8]  
(Жомийнинг ранг ба ранг сўзларини кўрингу дил доғини,  
Буларнинг барчаси сирру асрор саҳросидан терган лолалардир.)

Бу байтда “дил” “дard манбаи” маъносини ифодалаган ва “доғи дил” ибораси унинг қаринасидир. Яъни шоир ташбеҳи музмар воситасида “дил доғи”ни “лоланинг пастки қисмидаги қора рангига” ўхшатган.

Амир Хусрав Деҳлавий бошқа байтида шундай келтиради:  
Дил бибурдӣ, зи чон чи мехохӣ,  
Гар бихохӣ ситад, биё бистон. [6,396]  
(Дилни олдинг, жондан не истайсан?  
Гар олмоқ истасанг, келиб олгин.)

Байтда «дил» сўзи лексик жиҳатдан инсон аъзоси ва унинг муқаррар қалби маъноси сифатида ишлатилган. Бошқа жиҳатдан ошиқ кишининг қўлдан бой берган ва йўқолган қалби маъносида келтирилган, унинг маъновий белгиси «жон» сўзи ҳисобланади. Зеро юрак олдириш, дил бой бериш, ошиқ кишига хосдир. Ошиқ маҳбубаси учун ўз жонини қурбон қилишга ҳам тайёр ҳисобланади. Фикримизча байтда «дил» сўзининг мажозий маъноси орзу ҳавасларнинг асири бўлиш ва улардан кўнгил узолмасликдир. Бутун борлиқини ишққа бағишлаб, фақат маъшуканинг ёду хотираси билан умр кечириш маъноларини англатади. Дил ва жон умумий ҳолатда инсоннинг асли, унинг жавҳари ва борлиғи ҳисобланади. Демак бу икки унсурни байтда ошиқнинг энг қимматбаҳо борлиғи сифатида маъшукка ҳадя этиши назарда тутилган. У бутун борлиғи билан маъшукасига тааллуқлидир. Унинг изну ихтиёри ва тақдири фақатгина унга боғлиқ. Бошқа жиҳатдан содиқ ва вафодор ёрнинг тимсолидир.

Ирфоний-тасаввуфий талқинда «дил» сўзини байтда тариқат йўлининг солиқи ҳисобланади. Бу солиқ илоҳий ишқ асири ва илоҳий ҳусн шайдоси сифатида бу муқаддас йўлда фақат қалби ва кўнглини фидо қилиш билан кифояланмайди. Балки у ўз ёри учун умри ва азиз жонинидан ҳам кечишга тайёр. Демак дил тимсолининг ирфоний маъноси унинг мажозий маъносидан келиб чиқади ва унга боғлиқдир.

Айни шу маъно Абдурахмон Жомий ижодида ҳам кўзга ташланади:

Маро бар ҳар мижа лаълест, аммо

Аз он хуне, ки дар дил мезанад чўш. [Ф.474/8]

(Менинг ҳар кипригимда бир лаъл бор, аммо улар қалбимда жўш урган дарду аламдан қондан).

Бу байтда “дил” асл маъносида, яъни инсоннинг тана аъзоси сифатида, моддий, муқаррар, юрак тарзида келган. Унинг маъновий ва лисоний белгиси “хун” (қон) сўзидир. Зеро, “қон” фақат “дил” (юрак)да жўш уради, у қон айланадиган жой ва буни таъминловчи манба. Чунончи, шоир “хуни дил” иборасини “лаъли мижа” сифати билан ёнма-ён қўйиш орқали таносубни юзага келтирган. У қонли кўз ёшидир ва аслида “дил”дан фаввора мисол отилиб чиқади ва қайноқдир.

Амир Хусрав Деҳлавий ғазалларида “дил” сўзининг маҳбуба маъносини ифодаланиши куйдагича изоҳланган:

Дил ар бегона гашт аз ман, наранжам,

Ки ошиқро набошад ошно дил. [8,327].

(Дил ар бегона бўлса ранжимасман,

Ки ишқ аҳлига бўлмас ошно дил.)

Мазкур байтда «дил» сўзининг лексик маъноси маҳбуба, ёр ва маъшук ҳисобланади. Зеро унинг нишонаси «дилнинг бегона бўлиш», «бегоналик ихтиёр этиши» ибораси бўлиб, ташхис санъати воситасида кибрли ҳамда мағрур маъшук тимсолида қўлланилган. Яъни қўли етмас маҳбубанинг лирик тимсоли нишонасидир. Иккинчи мисрадаги «дил» сўзи инсон аъзоси -ошиқ қалби маъносида ишлатилган ва ушбу сўз ошиққа хосдир. Шу боисдан лирик қахрамон дилининг бегона бўлишидан, яъни маҳбубанинг вафосизлигидан ранжимайди. Чунки бу ошиқлар учун табиий ҳол ҳисобланади.

“Дил” сўзининг мажозий маъноси мағрур ва танноз маъшукка ишорадир. Бошқа жиҳатдан ошиқ юраги ва унинг ўз эгасига итоатсизлигини ифода этиб, муҳаббат маҳбусига айланганлигини билдиради. Зеро шоир назарида юракнинг ошиқдан бегона бўлмоғи табиий ҳол бўлиб, у ҳақиқий муҳаббат рамзидир. Яъни «дилнинг бегона бўлиш» айни ошиқлик рамзи ҳисобланади. Шу боис ишқнинг дарду кулфатлари ширин ва кечикиб бўлмас бўлади.

Ирфоний-тасаввуфий талқинда бизнинг фикримизча, биринчи навбатда «дил» сўзининг бадий образи бу илоҳий маҳбубадир ва унинг васлига етишмоқ ошиқ учун имконсиздир. Аммо иккинчи мисрадаги “дил” бадий образи Ҳақ йўлида фидо бўладиган қалбни ифода этган. Яъне у пок муҳаббат, илоҳий ишқни тараннум этувчидир ва шу билан бирга садоқат ва вафодорлик рамзи ҳисобланади. Зеро ошиқ-солиқ юраксиз, юрагини бой берган, севган ва сабр тоқатсиздир. Шу боисдан унинг юраги ҳамиша, ҳар дам, ҳар нафас ёр дидорига етишмоқ орзуси билан банд.

“Дил” сўзи Абдурахмон Жомий ижодида ҳам айни шу маънода ишлатилган:

Гарм мебинам ба меҳри худ дили он маҳ, вале  
 Меҳри хубонро чу сабри ошиқон бунёд нест. Ф.194/8]  
 (Кўрурман меҳримдан илиқ ул маҳлиқо қалбин, вале,  
 Хубрўйлар меҳрида ошиқлар сабри янглиқ бақо йўқдир).

Байтда “дил” инсон эҳсоси манбаъсидир. Унда маъшуқанинг ҳою ҳаваслик илтифоти, меҳрсиз ва муҳаббатсиз қалби ҳамда ишқда ошиқдек содиқ бўлмаслиги каби маънолари ифодаланган. Яъни бу ерда “дил” меҳру муҳаббат ва меҳрибонлик ҳиссиётларидан келиб чиқиб, “меҳр, майл ва иродат манбаи” маъносини касб этган ва унинг қаринаси “гармии дил – қалбнинг иссиқлиги” иборасидир.

**Хулоса.** Хусрав Деҳлавий ва Абдурахмон Жомийнинг ғазалиётини ўрганиш ва унда “дил” сўзининг қандай мақсадлар билан ишлатилиши ҳамда маъносини мисоллар орқали таққослаш ва луғатлар асосида таҳлил этиш шоирлар ижодида “дил” сўзининг луғавий маъносидан ўзга, яъни “ишқ учун энг азиз ва муқаддас паноҳгоҳ ва маъшуқанинг энг муносиб манзили” маъносида ишлатилишини аниқлаш имконини берди. Бундан ташқари алоҳида шаклларда, лексик, мажозий ва ирфоний-тасаввуфий маънодаги ибора ва таркиблар сифатида ишлатилиб, турли бадий тасвирлар, образ яратиш ва мазкур шоирларнинг ижодкорлик ҳаёлотини таъсирида бадий тимсол даражасига етган. Шу билан бирга синоним, омоним ва антоним шаклларда ишлатилиб, янги ва ноанъанавий хусусиятларни ўзига мужассам этган. Дил тимсоли ва бу истилоҳнинг семантик маъноси аслида шоирнинг поэтик маҳорати, унинг бадий ҳаёлотини, тасаввуроти, дунёқарашининг миқёсига боғлиқ нарса. Таъкидлаш жоизки бир мақола ҳажмида ушбу муаммони тўлиқ ва мукамал тарзда ҳал этиш ва қамраб олиш мураккаб масала ҳисобланади. Шу боисдан ушбу мақолада масаланинг баъзи жиҳатларини кўрсатиш билан кифояланиб, унинг тўлиқ таҳлилини илмий иш доирасида қолдирамиз.

## Иқтибослар/Сноски/References

1. Абдурахмон Жомийнинг “Фотиҳат уш-шабоб” девони конкорданси // Тузувчи: Мажитова С.Ж. – Тошкент: Фан ва технология. 2018.-934 б.
2. Абдурахмон Жомийнинг “Воситат-ул-иқд” ва “Хотимат ул-ҳаёт” девонларининг конкорданси // Тузувчи: Мажитова С.Ж. – Тошкент: Фан ва технология. 2018.-904 б.
3. Қуронбеков А. “Дил”- ҳақоик жилвагоҳи. Алишер Навоий ижоди ва шарқ адабиёти. (илмий мақолалар тўплами). Тошкент–2011. – 7-14 б.
4. Муҳаммад Ғиёсуддин. Ғиёс-ул-луғот, жилди-2. – Душанбе: Адиб, 1988.
5. Нуров А. Фарҳанги осори Жомий.- I, II-қисм. Душанбе, 1983.
6. Фарҳанги забони тожики.– I, II-қисм. Москва, 1969.
7. Хусрави Деҳлавӣ. Мунтахабот. – Душанбе: Нашрдавтож, 1960.
8. Шамс Қайси Розӣ. Ал-Мўъжам. – Душанбе: Адиб, 1991. – 464 б.
9. Жомий А. Фотиҳат-уш-шубоб.– Душанбе, “Ирфон”, 1987. – 576 б.
10. Жомий А. Воситат-ул-иқд.– Душанбе, “Ирфон”, 1988. – 560 б.
11. Жомий А. Хотимат-ул-ҳаёт. – Душанбе, “Адиб”, 1989. – 544 б.
12. Жўраев Р. Этимологияи 100 калима. – Душанбе: Маориф, 1985.
13. د کتر محمد معین. فرهنگ فارسی. تهران. ۱۳۸۶.

**СЎЗ САНЪАТИ**  
**ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ**  
**4 ЖИЛД, 1 СОН**

**МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ**  
**ИСКУССТВО СЛОВА**  
**ТОМ 4, НОМЕР 1**

**INTERNATIONAL JOURNAL**  
**OF WORD ART**  
**VOLUME 4, ISSUE 1**